Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ ВА ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТИ

Матлюба Каххарова

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси,

СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНАЯ СРЕДА ОБЩЕСТВА И ДУХОВНЫЙ ИДЕАЛ

Матлюба Каххарова

доктор философских наук, профессор, Международная исламская академия Узбекистана

SOCIAL-SPIRITUAL ENVIRONMENT OF SOCIETY AND SPIRITUAL IDEAL

Matlyuba Qaxxarova
Doctor Of Philosophy, Professor, Internarional Islamic Academy Of Uzbekistan

Аннотация: Мақолада маънавий омилнинг негизи бўлган маънавий идеал ва унинг жамият ривожидаги ўрни масаласи таҳлил қилинган.

Аннотация: В статье анализируется проблема духовного идеала, лежащего в основе духовного фактора, и его роль в развитии общества.

ABSTRACT: The article analyzes the issue of the spiritual ideal, which is the basis of the spiritual factor, and its role in the development of society.

КАЛИТСЎЗЛАР: маънавият, жамият, ижтимоий муҳит, миллий, мафкуравий иммунитет, миллий қадрият

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: духовность, общество, социальная среда, национальный, идеологический иммунитет, национальная ценность.

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

KEY WORDS: Spirituality, society, social environment, national, ideological immunity, national value.

КИРИШ

Мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, аҳолини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз ҳозир глобаллашувнинг инсон ҳаётини деярли ҳамма жиҳатларига дахл қилаётган, жамият ҳаётини тубдан ўзгартираётган, ўзининг барча ижобий ютуқлари билан биргаликда миллий онгдаги эврилишларга, маънавий-ахлоқий қадриятларимизнинг муайян жиҳатдан емирилишига кучли таъсир ўтказаётган таҳликали шароитда яшамоқдамиз. Шундай экан жараённинг фақат ижобий натижаларига маҳлиё бўлиб, салбий натижаларига эътиборсизлик билан қараш миллат келажаги, юрт равнақи учун хавф-хатардир. Ачинарлиси, шуки жойларда жамиятимиз ижтимоий-маънавий муҳитининг беқарорлашувига сабаб бўлаётган, миллат, Ватан, инсон шаъни учун тамға бўлаётган “оммавий маданият”нинг кўринишлари, муайян ахлоқсизлик, миллий қадриятларга нисбатан беписандик, масъулиятсизлик ҳолатларнинг учраб турганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ваҳоланки, “Оммавий маданият”нинг миллатлар ва халқлар маънавиятининг емирувчи омили сифатида намоён бўлиши инсониятнинг миллий замини ва ўзлигидан бегоналашувига олиб келмоқда. Ушбу жараёнда фуқаролар таҳлил қобилиятини шакллантириш, мавжуд хавфларга қарши маърифий курашчанликни кучайтириш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш, профилактика ишларини самарали тизимини йўлга қўйиш, огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш каби тизимли ишларни талаб қилади. Агар мазкур тизимга эътибор қаратилмаса, унда, миллий қиёфаси ва миллий-маънавий қадриятларидан маҳрум бўлган, оломоннинг шаклланишига олиб келади. Шундай экан, ҳозирда миллий ахлоқимизга нисбатан мавжуд таҳдидларни бартараф этиш улардан ҳимояланиш борасида ички имкониятларимизни ишга солишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бунда энг таъсирчан усул воситаларидан самарали фойдаланиш керак бўлади.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари жадал ривожланиб борар эканмиз, аҳоли, айниқса ёшлар онги ва дунёқарашини миллий қадриятлар асосида бойитиб боришда, миллий қадриятларимизни ички ва ташқи муҳитнинг салбий таъсиридан оммавий ҳимоялашда “миллий, маънавий, мафкуравий иммунитетни уйғунликда шакллантириш” ва уни амалиётда самарасига эришишда маънавий идеал омили муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилганига қарамасдан ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш, ушбу жараёнга инновацион ёндошувни жорий этиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш тизимининг методологияси яратишни тақозо этмоқда. Мазкур методолигияни яратилиши ижтимоий-маънавий муҳит ва унга нисбатан таҳдидларларни олдини олишда ижтимоий-фалсафий, педагогик психологик ҳамкорликни талаб қилади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Биз ушбу мақолада маънавий идеал, унинг таъсир кучи ҳамда унинг воситасида маънавий-ахлоқий заминларга эътиборни кучайтириш орқали жамият ижтимоий-маънавий муҳитини барқарорлаштириш масаласига эътибор қаратар эканмиз, аввало “муҳит” тушунчасига тўхталиб ўтишимиз жоиздир. Чунки, “муҳит” инсон мавжуд бўлган ҳолат ва жойни англатади. У инсонни ўраб турган ва унга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи шарт-шароитлар мажмуидир. Демак, айнан муайян муҳитда маънавий идеал шаклланади, қарор топади. Тадқиқотчилар томонидан, “ижтимоий муҳит”, “табиий муҳит”, “географик муҳит”, “сунъий муҳит”, “сиёсий муҳит”, “иқтисодий муҳит”, “маънавий муҳит”, “ахлоқий муҳит”, “илмий муҳит” кабилар алоҳида ўрганилган бўлсада, жамият муҳитининг тўлақонли қиёфасини аввало ижтимоий муҳит орқали белгиланади.

Ижтимоий муҳит бўлса, инсонни ўраб турган ва унинг онги ҳамда хулқига фаол (бевосита ва билвосита, стихияли ва онгли) таъсир ўтказувчи барча ижтимоий шарт-шароитлар, (атрофдаги одамлар, ижтимоий гуруҳ, қатламлар, жамиятдаги тартиб-қоидалар) фаолият ва алоқадорликларни белгилашда хизмат қилувчи фалсафий категориядир. Уларнинг микро (кичик), макро, мезо

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

(ўрта) ва мего (катта) даражалари мавжуд. Улар ичида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий муҳит қисмларидан бири оила муҳитидир.

- Биринчиси, оила муҳити. У ота-она ва фарзандларнинг айнан бир шароитда яшаб, ўзаро иқтисодий, ҳуқуқий, репродуктив ва маънавий-ахлоқий муносабатларга киришишидан шаклланади. Оила жамият ичидаги жамият, муҳит ичидаги муҳитдир. Бу муҳитнинг ўз ҳудуди, қонун-қоидаси бор. Бунда кўплаб микро муҳит анъаналари, урф-одатлари, маънавий-ахлоқий меъёрлар сайқал топади. Улар ворислик қонуниятига мувофиқ такомиллашиб боради. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало, оилада шаклланган.
- Иккинчиси, таълим муҳити. Бу муҳит шахснинг келажагини белгиловчи омиллардан бири. Инсон айнан таълим муҳитида шахс сифатида вояга етади. Агар оилада унинг маънавий-ахлоқий шаклланишига пойдевор қўйилса, таълим муҳитида бу хусусият янада ривожлантирилади. Шахснинг ахлоқий тасаввурлари билан хатти-харакатлари уйғунлашади.
- Учинчиси, иш жойи муҳитидир. Раҳбар, ходимлар ва жамоа аъзоларининг ўзаро муносабати, ҳурмат, ишчанлик, жамоа обрўси учун рақобат, масъулият ҳисси, манфаатдорлик, талабчанлик, ғамхўрлик, рағбатлантириш усуллари, юқори лавозимларга тавсия этиш, жамоа билан фахрланиш кабиларда ишхона муҳити намоён бўлади. Ҳозирги кунда ишхона муҳити катта аҳамият касб этмоқда. Чунки ишхонада шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси тўлиқ намоён бўлади.
- Тўртинчиси, бу маҳалла муҳити. У жамиятнинг жамоатчилик тамойилини рўёбга чиқарувчи, ўз таркибида юқоридаги учта муҳитни ўзаро уйғунлаштирган, шахс ахлоқий фаолиятининг муҳим макони ҳисобланади. Бу муҳитда шарқона ахлоқ, шарқона тушунчалар реалликка айланади. Микро муҳитнинг мажмуи жамият организмини ташкил қилади. Юртбошимиз Шавкат Миромонвич таъкидлаганидек, биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз.

Дарҳақиқат, халқимиз тарихий-маданий тажрибасига хос муҳит маҳалла муҳитидир. У ўнлаб, юзлаб оилалар уюшмасидан иборат, ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий мақсадлар йўлида бирлашувчи кишилар маконидир. “У турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир”.

Демак, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит макро даражада одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларини, ижтимоий-маънавий онгни белгиловчи омиллар мажмуини, микро даражада эса, инсон бевосита яшайдиган оила, маҳалла жамоаси, у таълим тарбия оладиган, меҳнат қиладиган бевосита ҳам билвосита унинг муайян даражадиги миллий, маънавий, мафкуравий иммунитетини ўстирадиган масканларини ўз ичига олади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда биз юқоридаги муҳитларда қарор топтирилиши мақсад қилиб олинган “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтсак. Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити мураккаб ижтимоий воқеликдир. Ушбу воқелик негизида шахс – гуруҳ (жамоа) – жамият ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ахлоқий муносабатлар ётади. Мазкур муҳит ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, жамият маънавий - ахлоқий муҳити шахс, гуруҳ ва жамоанинг ахлоқий фаолиятини белгиловчи мезонларнинг маконда таркиб топиши;

Иккинчидан шахс ва жамият муносабатларини тартибга солувчи ва йўналтирувчи омил ҳисобланади;

Учинчидан, ҳар бир жамият ўз маънавий-ахлоқий муҳитини яратади.

Ижтимоий тузум ўзгариши билан маънавий-ахлоқий муҳит ҳам ўзгаради. Ўзгараётган ижтимоий муҳитга инсоннинг адаптация (мослашиш, кўникиш) қобилияти мувофиқ бўлмоғи лозим. Инсон ўзгарган муҳитнинг талаб ва эҳтиёжларига ўзини мосламаса бир қатор муаммолар келиб чиқади. Демак, ҳозирда янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга нафақат мослашиш балки, унда фаол иштирок этиш, шахсий ташабускорлик кўрсатиш давр талаби.

Жамиятнинг маънавий муҳити унинг адолатли равишда ривожланиш хусусиятларини, унинг ахлоқий муҳити унда қадриятларнинг таркиб топиш йўналишларини ифодалайди. Демак, жамият маънавий-ахлоқий муҳити янги нормалар, принциплар, қоидалар ва қарашларни тақазо этади. Жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг асосий меъёри жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом ривожлантиришдан иборат. Унинг принципи эса ахлоқий меъёр ва мезонга амал қилишдир.

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss
© 2021 Support Science LLC
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

Жамиятнинг ахлоқий қоидаси эса эзгуликни ёвузлик устидан ғолиб келишини таъминлашдан иборат. Жамият маънавий муҳитига оид қарашларни ижтимоий-ахлоқий онгни шакллантиришга қаратилган илмий-назарий фикр-мулоҳазалар ташкил қилади.

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити ижтимоий тараққиётнинг инсонпарвар руҳда бўлишига олиб келади

Жамият ахлоқий муҳитини ҳар томонлама такомиллаштириб боришда асосий йўналишларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Бугунги жамиятимиз ривожида маънавий идеални шакллантириш ва уни жамият ахлоқий муҳитининг асосий негизи сифатида қабул қилишни тақоза этмоқда. Чунки миллатнинг жони унинг одоб-ахлоқида бўлиб, жамият ахлоқининг илдизи миллат тарихи билан узвий боғлиқ ҳодиса. Инсон ёшликдан азалий анъаналар, урф - одатлар оғушида камолга етади. Бунда оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларидаги микро, мезо ва макро муҳитдаги уйғунлик ва изчиллик катта ўрин тутади. Чунки, демократик қадриятларнинг таркиб топиб бориш шароитида одамларнинг ахлоқий онгини умумийлик принципи асосида шакллантириб бориш зарурат ҳисобланади. Акс ҳолда, жамият ахлоқий муҳитида ахлоқий онг даражаси сусайиб кетади. Бунга сабаб демократик қадриятларнинг инсонга том маънодаги эркинлик беришидир. Бундай эркинликдан мақсадли фойдаланилса, у ахлоқий онгнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, агар эркинлик омилидан мақсадсиз фойдаланилса (у суистеъмол қилинилса), ахлоқий онг ривожига салбий таъсир кўрсатади. Чунки “эркинлик бебошлик ва анархия эмас. Қонундан ташқари чиққан, анаънадан чекиниб, ахлоқсизлик қилган одам эркин одам эмас, балки бузғунчи ва бошқалар эркига тажовуз қилувчи кишидир”[1, 588]. Шундай экан, жамиятда мутлақ эркинлик бўлмаслигини, мустақил фикрлаш маъсулиятсизлик ва бурчни унутиш эмаслигини англаш ва англатиш масаласини ҳал этиш лозим. Агар биз эркинликни билим билан, билимни иймон билан, иймонни эътиқод билан боғлаб ва уларни барчасини Ватанимиз равнақи йўлига қаратсак, ушбу мезонларни ўзида, ўз фаолиятида шакллантирган маънавий идеалларни тарбиялай олсаккина фуқароларнинг эркинлиги ва мустақил тафаккурига асосланган жамият қурамиз. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитини меъёрлаштиришда ва ахлоқий онгнинг мақсадли шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Биз “маънавий идеал” тушунчасини соф ахлоқий тушунча деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда унинг мазмун-моҳияти ва асосий категорияларига диққатингизни тортамиз.

Маънавий идеал мазмунини англашда икки тушунча “маънавий” ва “идеал” тушунчаларининг маъносини аниқлаб олиш лозим бўлади. Аввало “идеал” тушунчаси ҳақида.

“Идеал” тушунчаси французча “ideal”, лотинча “idealus” сўзларидан ҳосил бўлган бўлиб, “қиёфа”, “мезон”, “мукаммаллик” маъноларини англатади. Атама сифатида орзу-интилишларнинг олий масақсадини ифодалайди[2, 142]. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим ахлоқий категория ҳисобланади.

Ҳеч шубҳа йўққи, маънавий идеал орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар ақлий етуклик, руҳий поклик, жисмоний баққуватлилик ва албатта ахлоқий камолотга [3, 104-107] жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни идеалар тимсолида кўрганлар. Олимларнинг тадқиқотларига қараганда инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида учта идеалга интилиб келди. Булар эркинлик, тенглик ва қардошликдир. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг ахлоқий тараққиётида эркинлик, тенглик ва қардошлик принциплари муҳим ўрин тутади, улар идеалнинг категориал тушунчалари бўла олади. Чунки, фикрда, ахлоқда ва фаолиятда эркин бўлса, у ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон ўзганинг ҳам ўзидек эканлигини ҳис қилади. Бу тенглик принципининг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг деб билишлари уларнинг ягона мақсад сари бирлашиб интилишларини келтириб чиқаради, бу қардошлик принципининг намоён бўлишидир. Шу маънода Аристотель: “Идеаллар одамларни ўзаро яқинлаштиради”[4, 48] дейди. Бу яқинлаштириш идеалнинг ахлоқий мазмуни ва кучини белгилайди.

Энди “маънавий” тушунчаси ҳақида. “Маънавий” сўзи маънавият тушунчасига тааллуқлидир. Бугунги кунда “маънавият” тушунчасига бир қатор таърифлар берилган [5, 6-12] ва бизнинг назаримизда уларнинг аксарияти маънавият мазмунида жамланган сифатларни тавсифлаш билан чекланилган. Ваҳоланки, “маънавият” сўзининг негизида арабча “маъни”, “навият” сўзлари мужассамлашган. “Маънавий” сўзи маънига алоқадорликни билдирса, “маънавият” сўзи “маънавий” сўзининг кўпликдаги шаклидир”[6, 14], “навият” сўзини эса янгилик маъносида қўллашимиз мақсадга мувофиқдир. Бу “маънавий” тушунчасининг мазмунини ифодалайди. Унга кўра, “маънавият” тушунчаси инсоннинг ахлоқий онг жиҳатидан етуклигини ва ҳаётни мазмунли яшаб ўтишини англатади. Шу маънода файласуф олим А.А. Оганов: “маънавият энг мураккаб ҳодисалардан бири, уни талқин қилиш кийин

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss
© 2021 Support Science LLC
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

кечмоқда, тушунчалар баҳсли бўлмоқда. Бу борада уч ёндашув бор. Биринчиси, маънавият бу диний тушунча бўлиб, худо йўлида хулқий покланишдир. Иккинчиси, бу дунёвий талқин бўлиб, унга кўра, маънавият бу эзгулик, гўзаллик, ҳақиқат, эътиқод идеалларининг мужассамлигидир. Учинчиси, маънавият бу инсоннинг ўз ички (ботиний) эркинлигидир, бу эркинлик унга интилиш, ўзи ва ўзгалар таъсирида бўлишига туртки беради деб талқин этар экан, мана шу учинчи фикр тўғри бўлиб, у илмий категория бўла олади" [7, 104],- деб таъкидлайди. Демак маънавият-инсоннинг ўз ички ҳаётида эркинлигидир ва маънавийлик бу эркинликнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча маънавий идеал қуйидагича таърифга эга бўлади: маънавий идеал - бу шахс ахлоқий онгини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи намуналар мажмуидир. Бу намуналар реаллик сифатида намоён бўлади. Кимдир маънавий-ахлоқий такомиллашишда Худони, ўзга бир киши пайғамбарни, учинчи киши даҳоларни идеал намуна деб билади. Лекин инсон учун идеал намуна фақат инсон бўлиши керак, чунки инсон реалликка ишонади, ундан ибрат олади.

Маънавий идеал шахснинг онги, тафаккури, идроки, ҳиссий дунёси - умуман маънавий (ички) оламида шаклланса-да, лекин у муайян жамиятнинг маънавий даражаси учун ижтимоий эҳтиёжлари, талаблари ва заруриятлари сифатида пайдо бўлади. Шу маънода ҳар бир жамиятда даврий ва умумий маънавий идеаллар юзага келади [8, 687]. Даврий маънавий идеаллар бир жамиятнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқарса, умумий маънавий идеаллар эса барча жамиятга хос бўлади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз учун инсоннинг соғлом эътиқодга эга бўлиши долзарб маънавий идеал бўлса, инсон қадрини сақлаш эса умумий маънавий идеалга хос бўлган ғоядир.

Маънавий идеал тушунчаси инсоният тараққиётида тадрижий равишда шаклланиб келган. Мисол учун, бу масала ўрта асрларда юртимизда илм воситасида талқин қилиниб, барча масалалар шунга асосан тушунтирилган. Абу Наср Форобий бу борада: "Илмларнинг афзали "ҳикмат", мавжудотларнинг мукаммали "ҳакимлар"дир. Инсоннинг билиш фитрати (инстинкти) энг яхши илмлар воситасида тафаккур қилади ва борлиқнинг мазмунини кашф қилади" [9, 24.],- дейди. Бу ўринда назарда тутилган ҳикмат инсоннинг руҳий-маънавий билиш қобилиятини ифодалайди ва Форобий билиш воситасида маънавий идеалнинг шахснинг ўзини англаб етишига ишора қилади. Шу маънода маънавий идеалга эга шахс "ҳаким", яъни ҳақиқатни ва сирларни илҳом ва кашф билан билувчи кишига қиёсланади.

Маънавий идеал тушунчасини бундай талқин қилиш Ғарб олимларига ҳам хосдир. Масалан, рус файласуф олими И.Ильин "Инсоният ягона маънавий эфир қамровида яшаб келмоқда" [10, 326] деб таъкидлайди. Бунинг маъноси шуки, инсоннинг ўзлигини фақат инсониятга хос бўлган руҳий-маънавий куч сақлаб туради. Бу куч маънавий идеалдан қувват олади.

Инсон жамиятда муайян мақсад-муддаосиз яшай олмайди. Ҳар бир киши ўзининг келажагини бирон-бир мақсад шаклида олдиндан тасаввур қила олмаса, унинг бунёдкорлик ҳаракати сусаяди, натижада инсонни кайфиятини тушкунлик, фаолиятини эса бепарволик, лоқайдлик ва дахлсизлик каби иллатлар эгаллаб олади. Шу маънода «маънавий идеал» ҳам шахсга жамиятда ўз ўрнига ва муайян ижтимоий мавқеига эга бўлиб яшаши учун йўналтирувчи ғоялар, тушунчалар ва ахлоқий қарашлар тизимини тақдим этади. Ғоялар мажмуи шахс ҳаёти ва фаолиятига таъсир қилувчи муддао, асос ва омиллардир. Бугунги жамиятимиз кишиси учун тарихий сиймолардан Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо кабилар фикрда, ахлоқда ва фаолиятда идеал намуна бўлишлари мумкин.

Биз маънавий идеалнинг нисбатан ахлоқий хусусияти устуворликка эга [11.110-115.] деб ҳисоблаймиз. Чунки, маънавий идеал ахлоқий хусусиятга эгалиги билан инсоннинг ўзлигини англаб етишга даъват қилади. Негаки, арабча "маъни" сўзининг маъноси ўзбекча "ўзлик" сўзини ифодалайди. Шу маънода, ўзлигини англаган киши инсониятнинг бир, ягона моҳиятга эга эканлигини англаб етади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзи учун ҳам зарарли эканлигини англаб етади. Бу ёвузликни тарк этиб, эзгуликка юз тутишдир. Демак, маънавий идеал негизида эзгулик ғояси туради.

Маънавий идеалнинг ўзликни англаш принципи Суқротнинг машҳур "ўзингни англа" фикридан бошланган ва Иммануэль Кант бу принцип марказига эзгулик ғоясини қўйиб: "Агар барча одамлар эзгуликни мақсад қилиб олганларида, улар учун бурчнинг кераги бўлмас эди, чунки ҳеч ким ёвузлик томон қадам босмас эди",[12, 72.] - деб таъкидлаганида нечоғлик ҳақ бўлганлигини ҳозирги кунда ҳам кўриш мумкин. Шундай экан, Эзгулик - инсоннинг ўзлигини англаб етишга туртки берувчи асос сифатида маънавий идеалнинг негизини ташкил қилади.

Ўзликни англаш ижтимоий амалиётда муҳим омил ҳисобланади. Чунки ўзлигини англаш, ўз-ўзини кашф қилиш билан инсон қудратли идрок, мустаҳкам ирода ва мўътадил хулқ-атвор ҳосил қилади. "Инсонни маънавий борлиқ деб тушунишунда ўлмас қалб, муқаддас руҳ, нажиб имон, чексиз меҳр ва улуғвор виждоннинг мавжудлигини тан

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

олиш демакдир. Бу борлиқнинг ҳаёти сирли, ички жараён бўлиб, ўзликда намоён бўлади. Инсоннинг маънавий борлиғи маънавий маданиятнинг манбаидир", деб ёзади файласуф олим И.Ильин ўзининг "Маънавий янгиланиш йўли" номли асарида. Аслида бундай қараш миллий этикамиз тараққиётида баён қилинган бўлиб, у "маънавий вужуд" (яъни борлиқ) ҳосил қилиш деб аталган. Мисол учун Хожа Аҳрор Валий "Маънавий вужуд бу - кераксиз ҳою ҳаваслардан, характердан ва эҳтиёжу талаблардан воз кечиб, руҳий борлиқ ҳосил қилишдир"[13, 282] дейди. Демак, ўзликни англаш билан инсоннинг моҳияти кашф қилинади, бу - маънавий идеалнинг энг муҳим функционал вазифасидир. Чунки ўзлигини англамаган инсон ёмонликка, ёвузликка ва вайронгарчиликка мойил бўлади. Негаки, ўзлигини англамаган инсонда аста секин фикрсизлик, ахлоқсизлик ва фаолиятсизлик таркиб топади.

"Ёмонлик, ёвузлик- бу эҳтиёжнинг ҳосиласидир", дейди баъзилар. Бу албатта нотўғри фикрдир. Чунки, инсон табиатан ёмон хулқ-атвор, одоб-ахлоқ билан туғилмайди, балки уни нотўғри тарбия, носоғлом муҳит ва бефарқлик, дахлсиз ва лоқайд муносабатлар ёмонликка бошлайди. Ўз даврида А.Авлоний: "Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар асосида илк баён қиладурғон китоб ахлоқ дейилур, у инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир",- деб таъриф берар экан, микро, мезо, макро муҳитларнинг камолотини айнан маънавий-ахлоқий тарбия даражаси билан боғлаган [14]. Шу маънода, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш ва маънавий идеални тарбиялаш ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барқарорлаштиришда ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки маънавий идеал инсонни эзгу мақсад сари йўналтиради. Шундай экан, жамият маънавий идеалга асосланиб ахлоқий муҳитни сайқаллаштириши керак.

Ҳозирги кунда маънавий идеалнинг категориялари белгилаб олинган эмас. Бизнинг фикримизча, маънавий идеалнинг ахлоқий категориялари: эзгулик, эътиқодлилик, эркинлик. Бу категорияларнинг зидди сифатида ёвузлик, эътиқодсизлик, мутеликни келтириш мумкин.

Эзгулик шахсда хулқ, феъл-атвор ва харакатерни шакллантиради. Хушхулқли бўлиш, камтар феъл-атворлик ва ҳалимлик, умуман олганда, ахлоқийлик эзгуликнинг манбаидир. Эзгулик туйғуси осмондан олинмайди, у инсон қалбида бор туйғу. Бу туйғу вояга етказилиши керак. Вояга етказишда жонли, ибратли хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш лозим. Шу ўринда ибрат томойили, намуна даражалари ҳам соғлом турмуш тарзи кечаётган маънавий-ахлоқий муҳит мисолида келтирилиши мақсадга мувофиқ келади. Эзгулик туйғуси тарбияланмаган инсонда ёвузлик ҳислари "уйғонади". Эзгулик руҳий-маънавий, ёвузлик эса нафсоний туйғу. Аждодларимиз "бўш қоп тик турмайди", деб бежиз таъкидламайдилар, чунки қалб, юрак, дил эзгуликка йўғрилмас, ахлоқий тарбия билан тўлдирилмас экан, унинг ўрнини бошқа бир хатти-ҳаракатлар, аксарият ёвузлик ёки лоқайдлик ва дахлсизлик эгаллаб олади.

Эътиқодлилик шахснинг ахлоқий-иродавий сифатидир. У шахсда ишонч, умид ва ҳаракатни шакллантради. Инсон нимагадир (Худога, инсонга, ўзига, келажакка ва ҳакозоларга) ишониши билан маънавий қувват ҳосил қилади ва шу йўлда ҳаракатланади. Эътиқодли одам ўзи ва ўзгалар учун масъулият сезади. Бунинг акси бўлган эътиқодсизлик инсонни маънавий қувват манбаи бўлган ишончдан айиради, бунинг натижасида инсонда умид йўқолади ва энди у бефарқ, фаолиятсиз кимсага айланади. Зеро, эътиқод маънавий, эътиқодсизлик эса нафсоний туйғудир.

Эркинлик шахсга танлаш, англаш ва тушуниш имконини беради. Инсон эркин сўзлаши, эркин фикрлаши ва эркин яшаши лозим. У буларни танлайди, булар билангина ҳаётининг, умуман инсон ҳаётининг мазмунли (маънили) кечишини англаб етади ва бу ёруғ дунёда инсон фикрсиз, мақсадсиз яшай олмаслигини тушунади. Эркинлик одамни одам бўлиб яшашга ўргатади. Эркинликнинг акси мутеликдир. Муте одамда танлаш, англаш ва тушуниш малакаси бўлмайди. У ўзгалар фикрининг, қарашларининг, хатти-ҳаракатларининг қулига айланади. Шу сабабли бугунги башарият "демократия" деганда мутеликни тарк этиб, эркинликка интилишни назарда тутади.

Зеро, маънавий идеалнинг Эзгулик, Эътиқодлилик ва Эркинлик категориялари инсонни маънавий поклик, бағрикенглик ва биродарлик руҳида вояга етказади.

Таъкидлаш лозимки, шахсда маънавий идеални шакллантиришда унинг руҳий ва ақлий хусусиятларини уйғун ривожлантириш лозим бўлади. Биз ақлни ёки руҳни устувор қўйиш фикридан йироқмиз. Чунки ўта ақлли одам ҳам маънавий даражада паст бўлиши мумкин ёки руҳи улғайган инсон оддий ҳодисалар сабабини ҳам тушунишда қийналиши мумкин.

Зеро, маънавий идеал инсоннинг ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу маънода маънавий идеал "Инсоннинг етуклик мезонидир". Демак, маънавий идеални болалар боғчасидан тортиб олий ўқув юртигача бўлган тизимда шакллантиришга диққат қилиш лозим бўлади. Маънавий идеални инсон онгида шакллантиришда далиллар масаласига алоҳида эътибор бериш керак. Далилланилмаган

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.30-36, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss
© 2021 Support Science LLC
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-05

(фактизация) маънавий идеал киши қалбида ўрнашмайди, хотирада муҳрланиб қолмайди. Бу энг муҳим масаладир.

ХУЛОСА

Маънавий идеал мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлади. У инсоннинг онги, фикри, ахлоқи ва фаолиятини ижтимоий қонуниятлар асосида йўналтиради. Инсоннинг ижтимоий шаклланишида маънавий идеал негиз, асос бўлиб хизмат қилади. Шу маънода шахснинг ўз жамиятида фаол яшаб ўтишида маънавий идеал асослардан бири бўлиб хизмат қилади. Ўзгача айтганда, инсонда ижтимоий онг, ижтимоий фикр, ижтимоий ахлоқ ва ижтимоий фаоллик ҳиссининг пайдо бўлишига маънавий идеал ҳам асос бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида,Т., "Akademiya" 2005, 588-б.
2. Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва маъсул муҳаррир Қ.Назаров. Т., "Шарқ", 2004, 142-б
3. Qaxxarova, M., & Raximshikova, M. (2020). MORAL CONTINUITY IS A SOCIAL-PHILOSOPHICAL, HISTORICAL PHENOMENON. The Light of Islam, 2020(3), 103-112.
4. Аристотель. Метафизика. - Ростов на-Дону. "Феникс",1999, 48-б.
5. Маҳмудов.Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т., "Шарқ".2001, 6-12-б.
6. Бегматов.А. Маънавият фалсафаси. - Т., «Шарқ». 2000, 14-б.
7. См. Оганов А.А. Современная проблематика философии культуры.// Философия и общество, Москва, 2007, №2. 104-б.
8. Kakhkharova, M. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЙ ОБЩЕСТВЕННОЙ СРЕДЫ. Theoretical & Applied Science, (10), 682-687.
9. Форобий А.Н.Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида, Т., "Ёзувчи". 2002, 24-б.
10. Ильин И.А. сочинения.Том 2.М., "Медиум". 1994, 326-б.
11. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.
12. Камю А. Бунтующий человек, М., "Мысль".1989,72-б.
13. Қаранг: Алий Сафий. Рашаҳату айтул-ҳаёт,- Т., Ибн Сино номли нашриёт, 2004, 282-б
14. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientifc Journal, (6).
15. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(10), 187-192.
16. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 18(1), 171-173.
17. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018) (pp. 1368-1372).
18. Abdurakhmonova, M. M., ugli Mirzayev, M. A., Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03), 384-388.
19. Каримова, Г. Й. (2018). РОЛЬ КОНСТИТУЦИИ В ПОСТРОЕНИИ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА И ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. Теория и практика современной науки, (2), 161-163.
20. Yuldashev, S. U. (2019). TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY. Theoretical & Applied Science, (11), 621-623.
21. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF THE FUNCTION OF STABILIZATION AND DEVELOPMENT OF SOCIETY IN SCIENTIFIC MANAGEMENT (AS SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGY). Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 255-259.
22. Normatova D. E. THE SOCIAL AND MORAL VIEWS OF MICHELLE ECKEM DE MONTEN //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 10. – С. 184-187.
23. Mamatov, M., Isomiddinov, A., & Yuldashev, S. (2019). Factors of Developing the Intellectual Abilities of the Youth. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 16(2), 311-313.